



2020 у « 5 » ноябрь

№ К-611

« » 20 г

Шеробод туманидаги “Наврўз” массиви “Узунсой” маҳалласи худудидан “Ўрол ўғли Ўткирбек” оилавий корхонасига “Балиқчилик хўжалигини ташкил этиш” мақсадида ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хар бир оила-тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида” ги 2018 йил 07 июндаги ПҚ-3777-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 05 октябрдаги 05-02/710-сон йиғилиш баёни ва Шеробод туман ҳокимининг 2020 йил 03 сентябрдаги 01-05/1119-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 05 октябрдаги 05-02/710-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Шеробод туманидаги “Наврўз” массиви “Узунсой” маҳалласи худудидан “Ўрол ўғли Ўткирбек” оилавий корхонасига “Балиқчилик хўжалигини ташкил этиш” мақсадида туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалиги харитасининг 400-дала контуридаги жами 2,60 гектар, шундан 2,50 гектар яйлов, 0,08 гектар дарё ва сойлар ва 0,02 гектар қурилиш ости ер майдонлари доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Шеробод тумани ҳокимлиги (А.Амиров) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов